



Муттафақун алайҳ ҳадисда Абу Қатода розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Яхши туш Аллоҳдан, ёмон туш эса шайтондандир. Биронтангиз ёмон туш кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва Аллоҳдан тушининг ёмонлигидан паноҳ сўрасин, шунда унга асло зарап қилмайди» деганларини эшитдим.

Бошқа бир ривоятда: «бошқа томонига ўгирилиб ётсин», дедилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Саид Ал-Худрий розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Агар биронтангиз ўзи суйган нарсасини туш кўрса, у Аллоҳдандир. Аллоҳ таолога хамд айтсин ва одамларга айтаверсин. Агар бунинг аксини кўрса, у шайтондандир. Аллоҳ таолодан унинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин ва ҳеч кимга



айтмасин. (Агар шундай құлса) у зарар бермайды.»

«**ପ୍ରକାଶନ ମହିନେ ମହିନେ** :**ପ୍ରକାଶନ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ**  
ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ ମହିନେ

Имом Муслим ривоят қылган ҳадисда Жобир розияллоху анху шундай дейди: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Биронтангиз тушида шайтон уни (үйинчоқ қилиб) үйнаганини гапириб юрмасин», дедилар.

## Шарх:

Мўмин киши юқорида ўтган ҳадисларда айтилган тушга тааллуқли суннат ва одобларига риоя қилса, Аллоҳнинг изни билан шайтоннинг озор ва васвасаларидан нажот топади.

#### **Бүгунги дарсдан олиналык фойдалар:**

1. Агар мусулмон киши ёмон туш кўрса чап томонига уч марта туфлайди, шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўрайди ва бошқа томонга ёнбошлаб ётади.
  2. Агар ёмон туш кўриб ҳеч кимга айтмаса, Аллоҳнинг изни билан у зарап етказмайди.
  3. Қўрқинчли тушлар - босинкирашлар ҳеч кимга айтилмайди.